

Ҳаётимиз учун муҳим бўлган қонун-қоидалар



09:00 / 11.03.2022 2963

Мўмин мусулмон инсон кундалик ҳаётида икки дунё саодатига мушарраф қилувчи энг муҳим режаларни тузиб, шу асосда иш юритиши лозим. Қуйида кундалик ҳаётимиз учун муҳим бўлган қонун-қоидаларни санаб ўтамыз:

- Намозларни суннат ва нафллари билан бирга ўз вақтида адо этиш.
- Зикрларни ўз вақти ва муайян сабабига кўра вазифа қилиб адо этиш.
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот, тасбеҳ, таҳмид, таҳлил ва такбир каби мутлақ зикрларни ва бошқаларни адо этиб бориш.
- Қуръондан кундалик вирдларни ўқиб бориш ва камроқ бўлсада, ёд олиш.

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан ўқиш ёки эшитишни вирд, вазифа қилиб олиш.
- Душанба ва пайшанба кунлари ҳамда қамарий ҳисобнинг маълум кунларида қодир бўлганча нафл рўза тутиш.
- Илмий мажлис, ваъз эшитиш ёки руҳий тарбия китобларидан ўқиш.
- Қодир бўлгунингча кунлик садақа, эҳсон чиқариш.
- Оиланг, дўстларинг билан яқин муносабат кўрсатиш, телефонда кўнғироқлашиб бўлсада, яхши алоқада бўлиш.
- Ўн оят ўқиб бўлсада, икки ракъат тунги намоз ва таҳажжудни ҳамда витр намозини адо этиш.
- Кўзни тийиш, кам сўзлаш, гина, кек сақлашни тарк этиш, сенга фойдали бўлган нарса билан машғул бўлиш.
- Ўлимни эслаш қалбни ислоҳ бўлишида муҳим туртки бўлувчи сабабдир.
- Оила аъзоларинг, аёлинг, болаларинг билан бирга ўтириш, уларга чиройли муомалада бўлиш, кенглик қилиб бериш ва улар кўнглига сурур ва хурсандлик киритиш.

Arabic.uz манбаси асосида Хуршид Маъруф тайёрлади